



## АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Абилов Феруз**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0007-1716-4019

[feruzabilov@gmail.com](mailto:feruzabilov@gmail.com)

**Аннотация.** Мақола агросервис хизматларини такомиллаштириш – камбағалликни қисқартиришнинг муҳим омили эканлигини асослашга бағишланган. Бунда асосий эътибор қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш масалаларига қаратилган. Бунда ҳозирги пайтда агросервис хизматларига кирадиган хизмат турлари келтирилган бўлиб, улардан бандликни таъминлашда қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳам асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** агросервис, иш билан бандлик, камбағаллик, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, камбағаллик даражаси.

## УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УСЛУГ АГРОСЕРВИСА – ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ

**Абилов Феруз**

Самаркандский институт экономики и сервиса

**Аннотация.** Статья посвящается обоснованию усовершенствования услуг агросервиса – о важных аспектах сокращения бедности. В статье особое внимание уделяется сокращению бедности сельского населения за счет создания рабочих мест. Здесь также приведены виды агросервисных услуг на сегодняшний день и обоснованы возможности за счет них обеспечения занятости.

**Ключевые слова:** агросервис, занятость, бедность, сокращение бедности, новые рабочие места, “Темир дафтар” (прозрачный список безработных), “Ёшлар дафтари” (прозрачный список безработной молодежи), “Аёллар дафтари” (прозрачный список безработных женщин), степень бедности.

## IMPROVING AGRICULTURAL SERVICES - VITALLY IMPORTANT ASPECTS IN POVERTY REDUCTION

**Abilov Feruz**

Samarkand Institute of Economics and Service

**Abstract.** The article is devoted to the rationale for the improvement of agricultural services - about the important aspects of poverty reduction. The article focuses on reducing the poverty, particularly of the rural population, through the job-creation. It also shows the types of agro-services to date and substantiates the possibility of providing employment through them.

**Keywords:** agro service, employment, poverty, poverty reduction, new jobs, “Temir Daftar” (transparent list of unemployed), “Yoshlar Daftari” (transparent list of unemployed youth), “Ayollar Daftari” (transparent list of unemployed women), the extent of poverty.

### **Кириш.**

Камбағалликни қисқартириш масаласи фақат Ўзбекистон учунгина муаммо бўлмасдан, балки бу глобал масштабдаги муаммолардан бири сифатида баҳоланмоқда. Бу борада жуда кўп муаммолар мавжудлигидан келиб чиқиб, 2022 йил бошида ушбу масала мамалакатимиз пайтахтида ШХТ давлатлари доирасида муҳокама этилди ва камбағаллик билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ҳамкорликни ривожлантириш истиқболи ҳам қараб чиқилди. ШХТ таркибига кирувчи давлатларда камбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар, мақсадлар ва янги ёндошувлар, камбағалликни қисқартириш юзасидан тажриба алмашиш ва қўшма тадқиқотларни амалга ошириш масаласи қараб чиқилди. Кўриниб камбағалликни қисқартириш масаласи фақатгина бир давлатга хос бўлмасдан, бутун мамлакатларга хос муаммолардан бири экан.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрасияси ҳузуридаги иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази Бош илмий ходими Бахтишод Хамидов - камбағаллик деганда инсоннинг бирламчи еҳтиёжларини (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни-сақлаш) қондиришга имкониятнинг мавжуд емаслигини тушунса, бошқалар – танлов еркинлигининг етарлича емаслиги ёки кунига 1,90 доллардан кам миқдорга кун кечиришни, учинчи томон еса –инсоннинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокига путур етказувчи ижтимоий, таълим ва соғлиқни-сақлаш соҳасидаги тўсиқларнинг доимий доирасини тушунишади, деб таъкидлаган.

Профессор Муҳаммедов фикрича “Камбағал аҳоли деганда икки тоифани назарда тутиш мумкин, биринчи тоифа камбағал аҳоли – бу ўз ҳаётини тузатишни истамайдиган, истаса-да, бунга ҳаракат қилишга дангасалик қиладиганлар. Иккинчи тоифаси еса маълум сабаблар туфайли шундай ҳолга келиб қолган, ишлашни истайдиган, аммо баъзи сабаблар билан бунга имкон тополмаган инсонлардир” деб таъкидлайди.

Профессорлар Пардаевларнинг фикрича “Камбағаллик тоифасига кирадиган аҳолини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси ишсизлар, тегишли малакаси бор, аммо ўзларига муносиб иш топа олмаётган аҳоли. Иккинчи тоифага, иш билан банд, аммо олган ойлик маоши оиласини камбағаллик чегарасидан чиқиб кетишига етарли бўлмайдиган шахслар. Учинчиси, ишлаш имконияти йўқ (ногиронлиги бор, меҳнатга қобилияциз, боқувчиси йўқ болалар ва қариялар) аҳоли қатлами”

### **Тадқиқот методологияси.**

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонни ривожлантириш шароитида, ҳар бир оилада мавжуд муаммолар ўрганиш орқали камбағаллик даражасини пасайтириш масалаларига алоҳида урғу берилган. Камбағалликни қисқартириш масалаларини ўрганишда белгилаш, таҳлил қилиш, синтез, тизимли таҳлил, кузатув-анкеталаш усулларидадан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунёда “736 миллион киши (аҳолининг 10 фоизи) ўта қашшоқлик шароитида (кунига 1,9 доллардан кам киримга эга), дунё аҳолисининг деярли ярми – 3,4 млрд. киши – кунига 5,5 доллардан кам тушумга эга. Қашшоқлик даражаси энг юқори қитъа Африка, сайёрадаги энг қашшоқ мамлакатлар – Конго демократик республикаси (ўта қашшоқлик даражаси – 77,1 фоиз) ва Мадагаскар (77,6 фоиз)”га (Пардаевлар, 2022) тўғри келади. Кўриниб турибдики камбағалликни қисқартириш масаласи ҳам глобал муаммолардан бирига айланиган.

Ҳозирги кунда ҳар бир мамлакат ўзининг аҳолисини камбағалликдан қутқариш масаласига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу тадбирларнинг бош омили аҳолининг

бандлигини таъминлашга қаратилган. Бу эса, хизмат кўрсатиш соҳасида тез ва соз амалга оширилади. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 27 январда “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. Ушбу қарорда “...хизматлар соҳасини ривожлантиришга янгича ёндошувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини 2022 йилда 1,5 баробарга ошириш ҳамда қўшимча 1,5 миллион янги иш ўринларини яратиш имконияти мавжуд”, деб таъкидланган. Шу йўналишда тегишли дастурлар тузилиб, мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг битта йўналиши янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш йўли билан камбағалликни қисқартиришга қаратилган. Бу барча хизматлар сингари агросервис хизматлари учун ҳам муҳим йўналишлардан биридир. Бу ҳозирги пайтда жуда муҳимлиги шундаки, аҳолининг асосий қисми қишлоқда яшайди ва ишсизларнинг ҳам аксарият қисми шу ҳудудга тўғри келади.

Ушбу ҳолатни Самарқанд вилояти мисолида қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларни шаҳар билан қишлоқ ҳудудларини қиёслаш орқали ҳолатга аниқ баҳо бериш мумкин. Ушбу кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили мазкур жадвалда келтирилган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Самарқанд вилояти мисолида “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилалар ва фуқаролар сони тўғрисидаги 2022 йил маълумотлари

Т/р	Кўрсаткичлар	Шаҳарда	Улуши, %	Қишлоқда	Улуши, %	ЖАМИ
1.	“Темир дафтар”, жами оилалар сони	1907	18,8	8234	81,2	10141
2.	“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар сони, киши	225	16,6	1132	83,4	1357
3.	“Аёллар дафтари”га киритилган аёллар сони, киши	10114	15,3	55800	84,7	65914

**Манба:** вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, “Темир дафтар”га киритилган жами оилалар сони 10141 та бўлиб, уларнинг 1907 таси ёки 18,8 % шаҳарларга ва 8234 таси ёки 81,2 % қишлоқларга тўғри келмоқда. Ушбу ҳолат “Темир дафтар”га киритилган оилалар сонининг аксарият қисми қишлоқ ҳудудларига тўғри келишини кўрсатиб турибди. Худди шундай аҳвол “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар сони ва “Аёллар дафтари”га киритилган аёллар сонидан ҳам кўришиб турибди. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар сонининг 16,6 % ёки 225 нафари шаҳарларга тўғри келса, 83,4 % ёки 1132 нафари қишлоқларга тўғри келмоқда. “Аёллар дафтари” бўйича ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Ушбу дафтарга киритилган аёллар сони шаҳарда 10114 нафарни ёки 15,3 %ни ташкил қилса, қишлоқ ҳудудларида уларнинг сони 55800 нафарни ташкил қилади ва унинг улуши 84,7 %га тенг.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Самарқанд вилоятида “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилалар ва одамлар сонини камайтириш учун асосий эътиборни қишлоқ жойларга қаратиш лозим экан. Бу эса, ўз навбатида хизмат кўрсатиш соҳасининг ажралмас қисми бўлган агросервис хизматларини кенгайтириш орқали янги иш ўринларини яратишни тақозо қилади.

Бугунги кунда қишлоқ аҳолисини банд қилишнинг иккита йўлини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биринчиси, агрохизматларни диверсификация қилиш орқали янги иш

ўринларини яратиш бўлса, иккинчи йўналиш ўзини ўзи иш билан банд қилиш имкониятларининг яратилганлигидир. Бугунги кунда 165 тадан зиёд меҳнат турлари, уларнинг аксарият қисми хизматлардан иборат бўлиб, қишлоқ аҳолиси ҳам ўзини ўзи иш билан банд қилиши мумкин. Ҳозирги кунда агросевис хизматларининг асосий турларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу хизматларга қуйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун ерларни тайёрлаш хизматлари;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш ва парвариш қилиш билан боғлиқ хизматлар;
- қишлоқ хўжалиги экинларини оқизиб суғориш билан боғлиқ хизматлар;
- ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб, томчилатиб суғориш билан боғлиқ хизматлар;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа ҳолатларда юк ташиш билан боғлиқ хизматлар;
- қишлоқ хўжалик соҳасида содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида ахборотларни олиш ва узатиш билан боғлиқ хизматлар;
- қишлоқ хўжалик объектларини лойиҳалаш ва қурилиш хизматлари;
- қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва сервис хизматларини кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалик соҳасида турли йўналишларда санитария йўналишларида амалга ошириш хизматлари;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа моддий бойликларни омборларда сақлаш билан боғлиқ хизматлар;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириб олиш билан боғлиқ хизматлар;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қадақлаш, ўраш ва қуйиш билан боғлиқ хизматлар;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хизматлар кабилар.

Бундан ташқари яна кўплаб хизмат турлари бўлиши мумкин. Аммо асосийлари шу юқорида келтирилган хизматлардан иборат. Ҳозирги пайтда кўчат етиштириб бериш хизматлари ҳам ўзига хос тарзда ривожланмоқда. Келажакда ушбу хизмат турлари янада ривожланиши мумкин. Чунки навларнинг янгиланиши, юқори ҳосилдор маҳсулотларни етиштиришнинг объектив зарурлиги каби масалалар ушбу ҳолатнинг ривожланишига сабаблардан бири бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ жойларда ушбу хизматларни ташкил қилиш ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш эвазига аҳолининг бандлигини таъминлаш мумкин. Лекин ушбу хизматларнинг бир қисмини бемалол фермер хўжаликлари ўзларига ўзлари ташкил қилган. Бироқ Самарқанд вилоятида томорқа ва деҳқон хўжаликлари ҳам анчагина. Ушбу субъектларга агросервис хизматларини ташкил қиладиган хўжалик юритувчи субъектларни очиш мақсадга мувофиқ. Айримлар ўзлари битта хизмат тури билан ҳам даромад қилиш имкониятларини яратиш олган. Жумладан, ташиш хизматларини оладиган бўлсак, бунга қишлоқларда жуда катта эҳтиёж мавжуд. Буни бир киши битта транспорт воситаси билан ҳам амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги «Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, минимал истеъмол харажатлари кўрсаткичидан камбағаллик мезони (ёки чегараси) сифатида фойдаланилади. Қарорда эътироф этилишича, 2022 йилдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали оилани кам таъминланган деб эътироф этиш

жараёнида қўлланиладиган ва жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатларига тенглаштирилади. Минимал истеъмол харажатлари ва камбағаллик даражаси ҳар йилги ҳисобот йилида инфляция даражасидан келиб чиқиб, кейинги йилнинг 20 январига қадар эълон қилиб борилади. Бу минимал истеъмол харажатлари таркиби камида ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқилади. Бунда ушбу қарор билан Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди. Ўзбекистонда минимал истеъмол харажатлари қиймати 440 минг сўмни ташкил этади (gazeta.uz, 2021). Агар шундан кам бўлмаса аҳоли камбағаллик даражасига тушмайди, деган хулоса қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975 сонли фармонида, “худудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан, камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисо-диётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир”, деб таъкидланди.

Агар шу мезондан келиб чиқиладиган бўлса, мамлакатимизда оилалар сонига қараб даромадлар даражаси турлича бўлади. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини аниқлаш ҳисоб-китоби

Т/р	Оилада одамлар сони, киши	1 кунлик, минг сўм	1 ойлик, минг сўм	1 йиллик, минг сўм
1.	1 кишилик	400	12 000	144 000
2.	2 кишилик	800	24 000	288 000
3.	3 кишилик	1 200	36 000	432 000
4.	4 кишилик	1 600	48 000	576 000
5.	5 кишилик	2 000	60 000	720 000
6.	6 кишилик	2 400	72 000	864 000
7.	7 кишилик	2 800	84 000	1 108 000
8.	8 кишилик	3 200	96 000	1 152 000
9.	9 кишилик	3 600	108 000	1 296 000
10.	10 кишилик	4 000	120 000	1 440 000

**Манба:** тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

Ушбу жадвал кўрсаткичлари камбағаллик даражасининг энг паст чегараси ҳисобланади. Бундан паст бўлса, бундай аҳолининг аҳоли қашшоқ аҳоли тоифасига киради. Агар ушбу мезондан келиб чиқиладиган бўлса, бир кишига бир кунда ўртача 400 минг сўм маблағ керак бўлар экан, 5 кишига 2000 минг сўм ва ниҳоят 8 кишилик оилага 3200 минг сўм зарур бўлар экан. Агар оилада 10 киши яшаса, 4000 минг сўм маблағни талаб қилади. Ушбу кўрсаткичнинг бир ойлик миқдори мос равишда 1 кишига 12000 минг сўм, 5 кишига 60000 минг сўм ва 8 кишига 96000 минг сўмни, 10 кишига 120000 минг сўмни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткични бир йилга ҳисоблайдиган бўлса, мос равишда 1 кишига 144000 минг сўм, 5 кишига 720000 минг сўм ва 8 кишига 1152000 минг сўмни, 10 кишига 1440000 минг сўмни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичлар камбағалликнинг чегараси бўлиб, бундан кам бўлса, бундай оилалар камбағаллик

даражасидан паст ҳисобланади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китоблари бўйича камбағалликнинг ўрта чегараси 3,2 доллар, ўрта ва юқори чегараси 5,5 ва 21,7 доллар даромадларга эга давлатлар ҳам белгиланган (Пардаевлар, 2020). Бундай табақаланиш шу давлатлар аҳолисининг фаровонлик даражасига боғлиқ. Ҳозирча Ўзбекистон қайси меъёрни асос қилиб олиши ҳақида тегишли меъёрий ҳужжат қабул қилиб, унинг ҳақиқий даражаси энди 400,0 минг сўм қилиб белгиланди.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Мамлакатимизда агросервис хизматларини ривожлантириш орқали қишлоқ ҳудудларида камбағалликка барҳам бериш учун кечиктириб бўлмайдиган масалалар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биричидан, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, айниқса қишлоқ ҳудудларида амалга ошириш бўйича аниқ ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш лозим бўлади. Ҳозирги белгиланган 400 минг сўмни ҳам халқаро меъёрларнинг қайсига тўғри келишини исботлаш мақсадга мувофиқ. Одатда мезонлари ва баҳолаш услубиятини жорий қилишда истеъмол саватчасининг кўрсаткичларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай қилинса, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг фойдаланишни йўлга қўйилиш имконияти яратилади.

Иккинчидан, мамлакатимиз миқёсида ва унинг барча ҳудудларида, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорлардаги даромадлар даражасини ишлаб чиқилди. Эндиликда ишсиз аҳолини ишга жойлаштириш, уни камбағалликдан қисқартириш, деб баҳоланиб камбағаллар рўйхатидан ўчириш тўғри бўлмайди. Бундан буён ҳар бир оиланинг сони ва олган даромадидан келиб чиқиб камбағалликдан чиқариш ёки чиқармаслик масаласини қараб чиқиш лозим бўлади. Агар оилада 4 киши яшайдиган бўлса, уларнинг фақат биттаси ишлайдиган бўлса, оёига 1400 ойлик оладиган бўлса, унда мазкур оила камбағалликдан чиқа олмайди. Чунки уларнинг минимал харажатлари 1600 минг (400 \* 4) бўлиши керак эди. Ҳозир эса меъёрдан 200 минг сўм кам бўлган бўлади. Бундай тартибни жорий қилинишини тезлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки, энг аввало, камбағаллик даражасини билиб олиш ва уни шунчаки иш билан банд қилиш эмас, балки муносиб ойлик маъошига эга бўлишликни таъминлаш ҳам лозим бўлар экан. Шунинг учун камбағалликни бартараф қилиш ишларига аниқ манзилли тадбирлар билан киришиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда агросервис хизматларини ривожлантириш орқали қишлоқ ҳудудларида камбағалликни қисқартириш масаласи бугунги кунда ўта долзарб бўлиб, у билан боғлиқ муаммолар ҳам, уларнинг ечимлари ҳам жуда кўпчиликни ташкил этади. Буларни аниқлаш ва ҳал қилиш фақат мутасадди вазирликларнинг ёки маҳаллий ҳокимиятларнинг иши эмас, балки ҳар бир оиланинг, шахсларнинг ишидир. “Мен камбағал бўлиб қолмаслигим учун нима қилишим керак?”, деган саволни ҳар бир киши ўзига бериши ва энг аввало, жавобини ўзи ахтариши, агар ўзининг “қўли калталиқ” қилиб қолсагина, давлатга, маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилиши лозим (Пардаевлар, 2020). Бундайларга маҳаллий ҳокимият, бор имкониятларини ишга солган ҳолда лаббай деб жавоб бериб, тегишли ёрдамларини бериши мумкин. Лекин ҳар бир киши ўзини ўзи боқадиган, жамиятга юк бўлмайдиган бўлиши лозим. Бунаё кишилар миллатимиз, халқимиз олдидаги бурчимни нечоғлиқ оқлай олаяпман, деб қарашга одатланишимиз лозим. Ҳар бир одамда юксак масъулият ҳар томонлама бўлмас экан, кўзланган муваффақиятга эришиб бўлмайди.

**Адабиётлар / Литература/References:**

Ricardo, D. (1817) *On the Principles of Political Economy and Taxation*. In: Sraffa, P. (ed.) *Works and Correspondence of David Ricardo*, Vol. I. Cambridge University Press, 1951, p. 135.

Абдурахмонов, Қ.Х. ва Холмўминов, Ш.Р. (2004) *Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти.*

Муҳаммедов, М. (2020) '1,9 АҚШ долларидан кам маблағга қун кечираётганлар.' *Zarafshon* газетаси, 23 июнь, 68-сон, 2-бет.

Пардаев, М.Қ. ва Пардаев, О.М. (2020) *Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд: САМИСИ.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2020а) 'Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида' ПФ-5975-сон, 26 март.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2020б) 'Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида' ПҚ-4653-сон, 26 март.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2022) 'Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида', 27 январ.

Ҳамидов, Б. (2020) 'Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак?' Available at: [review.uz/oz/au1](http://review.uz/oz/au1)